

Ш.И. Илхамов,  
и.ф.н., доц., ТДИУ

## МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ АУДИТИ УСЛУБИЯТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚ РИВОЖЛАНТИРИШ

*В статье изучены вопросы развития аудиторской проверки в соответствии с международными критериями и стандартами.*

*The issues of auditing development in accordance with international criteria and standards are highlighted in the article.*

**Калитли сўзлар:** аудит, аудиторлик текиширувлари, халқаро меъёрлар, стандартлар, услубият, ички назорат, аудиторлик риси, муҳимлик даражаси.

Аудиторлик хулосасидан фойдаланувчилар доираси кенгайиб бораётганлиги, кўшма корхоналар барпо этилаётганлиги, чет эл инвестициялари мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторига киритилиши, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш аудит тизимини халқаро стандартлар даражасида ташкил этишни талаб этмоқда. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишда аудиторлик фаолиятининг мавқеини янада ошириш керак”[1]. Бундай фаолиятнинг мавқеини янада ошириш, биринчи навбатда аудиторлик фаолиятини тартибга соладиган меъерий-ҳуқуқий тизимни халқаро меъёрлар ва стандартларга мос равишда ривожлантиришга боғлиқ. Бинобарин, «...энг аввало, жаҳон молия-валюта тизимида инқироз келтириб чиқараётган муаммоларни ҳал этиш ва керакли назорат ўрнатиш бўйича ягона иқтисодий модель ҳанузгача ишлаб чиқилмаган»[2].

Жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида кескин рақобат курашига бардош бериш учун хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб, назорат ва таҳлил ахборотиغا эга бўлишлари керак. Ушбу ҳолат биринчидан, ишончли молиявий ҳисоботни шакллантиришга ёрдам берса, иккинчидан, бошқарув қарорларини қабул қилиш, турли хўжалик операцияларини амалга оширишда мижоз ва ҳамкорлар билан янгича муносабатларни бошқариш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони [3] билан “Халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш” корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган. Шунингдек, мазкур фармон билан “2015–2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботни нашр этиши ва Халқаро аудит стандартлари ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказиши” маълумот учун қабул қилинган.

Назарий ва амалий ёндашувлар таркибида корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришнинг самарали тизими – ички назоратни ажратиб кўрсатиш мумкин. Ички назорат корпоратив бошқарув тизимининг ажралмас қисми бўлиб, «бухгалтерия ҳисоби тизими, назорат муҳити ҳамда алоҳида назорат воситалари»[4] ни бирлаштиради, булар биргаликда ишончли молиявий ҳисоботни шакллантиришга йўналтирилади. Бунда тизимни бошқарадиган субъект бажарилган ишларни тўғри баҳолаш ва белгиланган ҳисоб кўрсаткичлари фарқларини аниқлаш учун ҳақиқий ҳолат тўғрисидаги зарур ахборотни қўлга киритади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг бошқаришнинг умумий концепцияси, ички назоратни ташкил қилиш тамойиллари, бухгалтерия ҳисобини юритишга қўйиладиган талаблар ўртасидаги узилишлар, аксарият аудиторлик ташкилотлари аудит мақсадларига эришиш учун ички назорат воситалари ишончилигини ўрганмаслиги вазиятни янада чигаллаштиради. Бу эса, мазкур воситаларни баҳолашнинг қулай ва ишончли услубияти ишлаб чиқилмаганлиги билан изоҳланади.

Зеро, мамлакатимизда “...аудиторлик компанияларининг ролини янада ошириш ҳамда тармоғини ривожлантириш, халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ уларнинг барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлаш, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар тури ва кўламини кенгайтириш» асосий йўналишлардан бири эканлиги белгиланган”[5].

Шу маънода, аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизимини халқаро аудит стандартларига мувофиқлаштириш, аудиторлик текширувлари жараёнида ички назорат тизимини баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш долзарблик касб этади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг «молиявий ҳисоботи ва у билан боғлиқ молиявий ахборотни аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишда»[6] ички назорат тизимини баҳолаш услубияти аудиторлик ташкилотларининг ички стандартларидан иборат бўлган усул ва услублар комплексига асосланиши лозим.

Ўзбекистонда инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида қарор қабул қилинишида ички назоратнинг аҳамияти катта. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «...авваламбор рўй бериши мумкин бўлган турли фалокатлар, жаҳон иқтисодиётининг юксалиши ва инқирозини олдиндан кўриш имконини берадиган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат ва халқ пировард натижада муваффақиятга эришади»[7].

Юқоридаги фикрларни инобатга олсак, хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор фаолият юритиши, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши, «қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш»[8] вазифасини ҳал этишда қайд этилган субъектларда ички назорат тизимини самарали ташкил қилиш муҳим аҳамият

касб этади. Зеро, ушбу тизим қанчалик самарали бўлса, аудиторлик rischi шунчалик паст бўлади.

Меъерий ҳужжатда аудиторларга ички назорат тизимини камида учта босқичда баҳолаш вазифаси юклатилади: «1) ички назорат тизими билан умумий танишув; 2) ички назорат тизими ишончилигини дастлабки баҳолаш; 3) ички назорат тизимини баҳолашнинг ишончилигини тасдиқлаш. Шу билан бирга аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятида ички назорат тизимини баҳолашнинг кўпроқ сонли босқичларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин»[9]. Бироқ ички назорат тизимини баҳолашнинг технологик жараёни кўп сонли босқичларни ўз ичига олади, яъни ажратиб кўрсатилган босқичлар муҳим бўлган оралик босқичларни ҳам ўз ичига олади. Аудиторлик фаолиятининг бошқа стандартларида уларга кўрсатмалар берилади.

Афсуски, ички назорат тизимини баҳолаш бўйича тавсияларнинг турли стандартларда акс эттирилиши барча аудиторлик ташкилотлари учун ички назорат тизимини баҳолаш бўйича ягона услубиятни шакллантиришга ёрдам бермайди. Бу эса, ушбу тизимни баҳолаш бўйича аудиторлик ташкилотларининг ички стандартлари комплексини ишлаб чиқиш заруриятини вужудга келтиради. Шу сабабли, халқаро аудит стандартларига асосланган ҳолда тадқиқот жараёнида ички назорат тизимини баҳолаш бўйича 24 та технологик жараён босқичлари ишлаб чиқилди.

Аудиторлик текширувини режалаштириш жараёнидаги муҳим босқичлардан бири хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларини баҳолашдан иборат бўлиб, тегишли миллий стандарт [10] билан тартибга солинади. Маълумки, назорат бошқарув функцияларидан бири ҳисобланади. Шу боис ички назорат тизимининг ташкил қилиниши ва амалга оширилиши раҳбарга мазкур хўжалик юритувчи субъектни бошқаришда кўмаклашувчи восита саналади.

Ички назорат тизимининг самарали амал қилиши, энг аввало, тегишли фаолиятни юритиш учун масъул қилиб бириктирилган ходимларга ҳам боғлиқ. Ходимларни танлаш, ёллаш, лавозимини кўтариш, ўқитиш ва қайта тайёрлаш тизими тегишли тарзда уларнинг малакаси юқори бўлишига хизмат қилиши лозим.

Иқтисодий адабиётда [11] молиявий ҳисоботнинг алоҳида моддалари ўртасида муҳимлик даражаси мутлақ қийматини тақсимлашнинг «йўналтирилган тестдан ўтказиш усули» деб номланувчи алгоритми ёритилган. У қуйидагиларни назарда тутади:

1. Муҳимлик даражасини баланс яқунидаги энг салмоқли улуш бўйича тақсимлаш учун актив ва пассив счётларни танлаб олиш.

2. Муҳимлик даражасини танлаб олинган счётларнинг дебет ва кредит айланмалари ўртасида тақсимлаш. Бунда муҳимлик даражаси баланс яқунига нисбатан фоиз ҳисобида эмас, балки тегишли стандартда[12] тақлиф этилган услубга мувофиқ, бухгалтерия балансида (баланс валютаси (2 %) ва хусусий капиталнинг миқдори (10 %)) ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда (ялпи сотувлар ҳажми (2 %), умумий харажатлар (2 %), баланс фойдаси (5 %)) акс эттирилган кўрсаткичлар фоиз ҳисобида белгиланади.

Халқаро амалиётга кўра, «Аудитор ўзининг малакавий мулоҳазасидан келиб чиқиб, муҳимлик даражасини аниқлайди. Аудиторлар одатда муҳимликни аниқлаш учун мўлжалланган белгилардан фойдаланадилар. Улардан энг кўп тарқалгани – даромад (фойда) солиғи тўлангунга қадар фойданинг 5 дан 10 фоизигача; жами активларнинг 0,5 дан 1,0 фоизигача; хусусий капитал суммасининг 0,5 дан 5,0 фоизгача; соф фойданинг 0,5 дан 1,0 фоизигача»[13].

Р.Д. Дусмуратов муҳимлик даражасини ҳисоблаш учун қуйидаги етти та микдор кўрсаткичидан фойдаланишни таклиф этади: «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган тушум (5 %), сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннари (3 %), давр харажатлари (3 %), хусусий капитал (10 %), баланс валютаси (5 %), тугалланмаган ишлаб чиқариш (3 %), тақсимланмаган фойда (2 %)»[14]. Н.Ф. Каримов эса, тижорат банклари молиявий ҳисоботининг қуйидаги бешта моддасидан фойдаланишни таклиф қилади: «баланс бўйича соф фойда (3,2 %), жами даромад (2,7 %), жами активлар (1,3 %), акциядор капитали (5,3 %), умумий харажатлар (3,0 %)» [15].

Амалдаги меъёрий ҳужжатларда муҳимлик даражасининг мутлақ қийматини белгилаш назарда тутилмаган. Бирок, «жиддийлик (муҳимлик) даражасининг мутлақ қийматини аниқлашда аудитор аудит қилинадиган хўжалик юритувчи субъект ҳисоботининг ишончилигини тавсифловчи, кейинчалик молиявий ҳисоботнинг асосий кўрсаткичлари деб номланувчи энг муҳим кўрсаткичларни асос сифатида қабул қилиши керак»[16], деб эътироф этилган.

Халқаро амалиётни таҳлил қилиш натижасида муҳимлик даражасини маълум бир баланс моддаларининг баланс жамидаги улушига нисбатан тақсимлашни таклиф қиламиз. Бунинг учун 1-жадвал маълумотларидан фойдаланамиз.

## 1-жадвал

### Молиявий ҳисоботнинг базавий кўрсаткичлари

Баланс активи моддалари	Сумма, минг сўм	Халқаро меъёр бўйича		Таклиф этилаётган меъёр бўйича	
		улуши, %	муҳимлик даражаси, минг сўм	улуши, %	муҳимлик даражаси, минг сўм
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>
Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (2-шакл, 030-сатр)	857821	-		2	17156
Даромад солиғини тўлагунга қадар фойда (2-шакл, 240-сатр)	441503	5-10	44150	5	22075
Активлар жами (1-шакл, 400-сатр)	2226600	0,5-1,0	22266	0,5	11133
Устав капитали (1-шакл, 410- сатр)	650910	0,5-5,0	32545	5	32545,5
Соф фойда (2-шакл, 270-сатр)	368489	0,5-1,0	3684	1	3684

$$\frac{17156 + 22075 + 11133 + 32545 + 3684}{5} = \frac{86594}{5} = 17318;$$

$$\frac{17318 - 3684}{17318} = 78,7\%; \quad \frac{32545 - 17318}{17318} = 87,9\%;$$

Ҳосил бўлган ўртача кўрсаткични энг кам ва энг кўп миқдор билан солиштирамиз:

Агар, фарқ 30 % дан ошиб кетса, у ҳолда иккала (3684 ва 32545 ) миқдорни чиқариб ташлаймиз ва ушбу кўрсаткичлар ҳисоб-китобда бошқа қўлланилмайди. Қолган кўрсаткичлар асосида ҳисоб-китобни қайта амалга оширамиз:

$$\frac{17156 + 22075 + 11133}{3} = \frac{50364}{3} = 16788$$

Ҳосил бўлган миқдорни кўпайтириш ёки камайтириш мумкин, бироқ у халқаро амалиётга мувофиқ, 20 % дан ошмаслиги керак. Бу миқдорни камайтирамиз:

$$\frac{16788 - 15000}{16788} = 10,6\%; \text{ (меъёр даражасидан паст).}$$

Демак, муҳимлик даражасини 15000 минг сўм миқдорида белгилашимиз мумкин. Аниқланган муҳимлик даражасини баланс моддалари бўйича, уларнинг балансдаги улушига нисбатан тақсимлаймиз ва 2-жадвалда кўрсатилган натижаларга эришамиз.

## 2-жадвал

### Муҳимлик даражаси кўрсаткичини баланс тузилиши бўйича тенг тақсимлаш

Баланс актив моддалари	Сумма, минг сўм	Улуши, %	Муҳимлик даражаси, минг сўм	Баланс пасив моддалари	Сумма, минг сўм	Улуши, %	Муҳимлик даражаси, минг сўм
1	2	3	4	5	6	7	8
Асосий воситалар	197202	8,8	1320	Устав капитали	650910	29,2	4380
Узоқ муддатли инвестициялар	828357	37,3	5595	Қўшилган капитал	80993	3,8	570
Товар-моддий захиралари	1036312	46,5	6975	Захира капитали	565877	25,4	3810
Дебиторлар	96273	4,3	645	Тақсимланмаган фойда	405034	18,3	2745
Пул маблағлари	68456	3,1	465	Жорий мажбуриятлар	523786	23,3	3495
Жами	2226600	100	15000	Жами	2226600	100	15000

Манба: «Ўздонмахсулот» АК молиявий ҳисобот кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Шундай қилиб, аудитор аудиторлик текшируви жараёнида муҳимлик даражасини асосий воситалар, узоқ муддатли инвестициялар, устав капитали ва бошқа муомалалар учун мос равишда 1320; 5595; 4380 минг сўм миқдорида

белгилаб олади ҳамда мажбурий тартибда аудитнинг умумий режасида қайд қилиши шарт. Зеро, муҳимлик даражаси аудитор томонидан йўл қўйилиши ва ўтказиб юборилиши мумкин бўлган хатонинг энг юқори чегарасини белгилайди. Муҳимлик даражаси кўрсаткичини хўжалик юритувчи субъектнинг дебет ва кредит айланма қайдномаси асосида ҳам тенг тақсимлашни таклиф этамиз (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Муҳимлик даражасини дебет ва кредит айланма қайдномаси асосида тақсимлаш

Счетлар рақами	Дебет бўйича айланма, минг сўм	Умумий айланмадаги улуши, %	Муҳимлик даражаси, минг сўм	Кредит бўйича айланма, минг сўм	Умумий айланмадаги улуши, %	Муҳимлик даражаси, минг сўм
1	2	3	4	5	6	7
0100	95517	0,11	16,5	149275	0,2	30
0610	-	-	-	-	-	-
0620	-	-	-	-	-	-
0630	-	-	-	-	-	-
1000, 1500, 1600	369476	0,44	66,0	506216	0,6	90,0
2000-	83747	0,10	15,0	-	-	-
2800	21365801	25,5	3825,0	21271938	25,3	3795,0
2900	-	-	-	-	-	-
4000-	56128746	67,2	10080,0	56080913	67	10050,0
5100	1955362	2,3	345	1954341	2,2	330,0
5200	296684	0,3	45,0	283721	0,3	45,0
5500-	842845	1,12	168,0	830879	1	150,0
6000	1891955	2,35	352,5	1597896	2	300,0
6120	10098	0,01	1,5	215496	0,2	30,0
6300	-	-	-	11873	0,1	15,0
6400	62969	0,07	10,5	-	-	-
6520				888	0,1	15,0
6600	15988	0,01	1,5			
6700	-	-	-	17699	0,1	15,0
6900	-	-	-	6171	0,1	15,0
7250	21374	0,02	3,0	-	-	-
7810	141500	0,16	24,0	-	-	-
8300	-	-	-	600840	0,7	105,0
8400	-	-	-	-	-	-
8500	-	-	-	18273	0,1	15,0
8700	264357	0,31	46,5	-	-	-
<b>Жами</b>	<b>83546419</b>	<b>100</b>	<b>15000</b>	<b>83546419</b>	<b>100</b>	<b>15000</b>

Манба: «Ўздонмахсулот» АК молиявий ҳисобот кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу услубият қуйидаги афзалликка эга: тақсимлаш учун танлаб олинган счётлар дебети ва кредити бўйича

айланмаларга нисбатан ҳисоб-китобларни қўллаш имконияти мавжуд, чунки муҳимлик даражасини счётлар бўйича қолдиқлар ўртасида тақсимлашга йўналтирилган услублар аудитор аудиторлик хулосасида тасдиқлаши лозим бўлган ҳисоботга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Бироқ, мазкур услубиятда счётлар учун муҳимлик даражасининг қиймати ҳисоб-китоб натижасида турли кўринишга эга бўлади, шунингдек, муайян жараёнга қарашли бухгалтерия ҳисоби счётлари баланс якунидаги энг катта салмоқ мезони бўйича танлов ичидан ўрин олмаслиги мумкин. Хусусан, муҳимлик даражасининг қийматлари узоқ муддатли активлар ва кредиторлик қарзлари ҳисобини юритиш счётлари ўртасида ҳам тақсимланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Каримов И.А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови. –Т.: Ўзбекистон, 2001. Б. 9.

2. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2012. Б. 4.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари” тўғрисидаги 4720-сонли фармони.

4. Аудиторлик фаолиятининг «Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш» номли 12-сонли миллий стандарти, 18-банд. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 12 апрелда 1673-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011–2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида» ги 1438-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни (9-модда). 2000 йил 26 май.

7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 14 б.

8. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 26 б.

9. Аудиторлик фаолиятининг «Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш» номли 12-сонли миллий стандарти, 26-банд. Ўз.Р. Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 12 апрелда 1673-сон билан рўйхатга олинган.

10. Аудиторлик фаолиятининг «Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш» номли 12-миллий стандарти. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 12 апрелда 1673-сон билан рўйхатга олинган.

11. Данилевский Ю.А., Шапигузов СМ. и др. Аудит: учеб. пособие. – 2-е изд. перераб. и доп. – М.: Издательский дом ФБК-ПРЕСС, 2002. 131 с.

12. Приложение 1. Правило (стандарт) аудиторской деятельности «Существенность и аудиторский риск». п. 3.

13. Аудит. Учебное пособие подготовленное корпорацией «Прагма» при поддержке Агентства США по международному развитию. –Т.: Издательство Национальной ассоциации бухгалтеров и аудиторов Республики Узбекистан, 2005. 47 с.

14. Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. 74 б.

15. Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилиш ва унинг услубиятини такомиллаштириш муаммолари: и.ф.д. ... дисс. автореф.– Т., 2007. 23 б.

16. Аудиторлик фаолиятининг «Жиддийлик ва аудиторлик rischi» номли 9-сонли миллий стандарти. 9-банд. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 3 сентябрда 813-сон билан рўйхатга олинган.